

Бирор тун йўқки, ҳабибим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни тушимда кўрмасам...



12:19 / 19.10.2021 3089

-Ер юзи аҳли Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарлик рисолати билан юборилишидан кўра буюкроқ неъматни ҳали кўрмаган.

-Умр карвони ўтиб бўлди дея ўйлай бошлаган инсон Аллоҳнинг дини Исломга даъватини қирқ ёшда бошлаган, ёши эллик учга тўлганда юртдан Мадинага ҳижрат қилган ва олтмиш бир ёшида Маккани фатҳ қилган инсонга бир қарасин. Аллоҳумма солли ъалаа саййидина Муҳаммад!

-Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа инсоннинг комиллиги нуқсон ва камчиликдан юзага келган камолотдир. У зотнинг комиллиги эса, комилликдан юзага келган камолотдир.

-Ҳижрий сананинг биринчи йилида у зот ва унинг соҳиби Абу Бакр Савр ғорида яшириниб ўтиришарди. Улар у ерга қурайш мушрикларидан қочиб чиқишган эди... Орадан юз йил ўтгач эса, шарқда Хитойдан бошлаб, ғарбда ҳатто, Франциягача бўлган ҳудудларда масжидлар минораларидан азон саси тараларди.

Аллоҳумма солли ва саллим ва барик ала саййидина Муҳаммад!

Агар ҳаёт қаршисида танг аҳволга тушиб, тушкун қолсангиз, Ҳабибимизга салавот айтишга ошиқинг. Маҳзун кимса у зотга салавот йўллар экан, Аллоҳ унга рўшнолик, ташвишдан қутулиш йўлини насиб қилади.

Саллаллоҳу алайҳи васаллам! Аллоҳумма солли ʼала Муҳаммад ва ʼала оли Муҳаммад!

-Бундан 1400 йил муқаддам Ислом бир инсон, яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам орқали тарқалди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу иш, яъни Ислом кеча ва кундуз етадиган жойгача албатта етиб боражак», деганлар. Ибн Ҳиббон ривояти.

Кеча ва кундузи етиб борадиган жойгача – курраи заминнинг ҳар бир минтақасига деганларидир. Ушбу ваъда ҳақиқатда тасдиғини топди.

-Буюк саҳоба Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу: «Бирор тун йўқки, ҳабибим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни тушимда кўрмасам» дея йиғлаб юбордилар.

-Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч кимнинг ҳимоясига муҳтож эмаслар. Лекин ҳар бир киши иймонини мустаҳкамлаш учун у зотни ҳимоя қилишга муҳтождир!

Arabic.uz ҳикматлари асосида Бобур Аҳмад тайёрлади